

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ – БОЛА ТАРБИЯСИ ВА КАМОЛОТИНИНГ КАФОЛОТИ

Акратова Форуза Акмаловна, психол. фанлари доктори, рофессор
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
akramova_feruza@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада оила мустаҳкамлиги ва фаровонлигига эришишнинг асосий омиллари ўтказилган илмий-амалий тадқиқот натижаларига кўра асосланган бўлиб, бу ўз навбатида оилада вояга етётган фарзанд камолотининг кафолоти ҳамда энг асосий вазифалардан эканлиги исботланган.

Калит сўзлар: оила фаровонлиги, бола тарбияси, оила маънавий муҳити, оила қадриятлари, ота ибрати, она фазилатлари, ота-оналик масъулияти, ота-оналарнинг бола тарбиясида психологик саводхонлиги.

Маълумки, оила муҳитида ҳар бир инсон оилавий ўзаро муносабатларнинг ўзига таъсирини, ўз характер хислатларининг шаклланишида оладиган намуна, андоза ва ибрат хусусиятини англаши юз беради. Чунки оила жамиятнинг негизи, ҳар бир шахснинг онгида, хатти харакатида болалигидан бошлаб шаклланадиган барча фазилатлари, ниятлари, маслаклари амалга ошадиган маскан ҳамдир.

Фарзанд – оила таянчи. Оила эса – нафақат бир юртнинг, балки умуминсониятнинг катта сиёсати. Айтиш керакки – давлат сиёсати. Нега деганда, башариятнинг тириклиги, узлуксизлиги – оиладандир.

Борди-ю оила тузук бўлмаса, оилада тарбияга эътибор берилмаса, миллат қанча буюк бўлса ҳам, бу миллат дунёда узоқ яшай олмайди. Абдурауф Фитрат оила тақдирида юрт ва халқ бахтини кўриб: “Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади”, - деб ёзади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “**Бола ота-она кўлида бир омонатдир**”, “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб кўйишимиз ҳеч гап эмас”, - деб таъкидлаши оила муҳитини рисоладагидек ташкил этиш орқали жамият фаровонлигига эришиш, яъни “Фаровон оила – жамият равнақининг асоси” концептуал гојани ҳаётга татбиқ этишга қаратилганлиги бејиз эмас.

Дарҳақиқат, оила – ҳар бир шахсда болалигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу истаклар, қадриятлар камол топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий мероси равнақини таъминловчи тарбия масканидир.

Фарзандга бериладиган тарбия дастлаб оила муҳитида бажариладиган энг асосий вазифадир. Фарзандлар ўз уйларида кузатган маънавий муҳитдан

нусха оладилар. “Оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош” бўлиб ўсади. Илмий-амалий тадқиқот доирасида “Келажақда қурилажақ оилангиз ўз оилангизга ўхшадини истармидингиз?” мазмундаги сўровнома ўтказилди. Ундаги иштирокчиларнинг қарийб 35 фоизи ўз оиласидаги муҳитдан қониқмаслигини баён қилишган. Хўш, бу нимадан далолат? Ўша оилаларнинг нотинчлигидан, фарзандларнинг ўз ота-оналари хулқ-атворидан қониқмаслигидан далолат эмасми?! Ахир ота-оналар болани дунёга келтирганликлари учун эмас, уни одобли ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учунгина олқишга сазовор бўладилар.

Маълумки, оила муҳити бола тарбияси ва келгуси камолотининг асосидир. Оилаларда маънавий – ижтимоий муҳитни ўрганилганда “Фарзанд тарбияси учун ким кўпроқ масъул?” саволига билдирилган фикрларни таҳлил этсак, ота, она, ота ва она масъуллиги энг асосий эканлиги эътироф этилди: 31,0 фоиз – “ота”, 35,0 фоиз – “она”, 22,0 фоиз “ота-она” кўрсаткичлари энг юқори даражада кўринди. Бу ҳолат оилалардаги ота, оналарни фарзандлар тарбиясида намуна ва ибрат бўлиши зарур эканлигини, уларни маслаҳат ва фикрлари билан тўғри йўлга бошлашларида, ҳар томонлама андоза бўлиш сифатларига эга бўлишини тақозо этади.

Оилаларнинг носоғломлиги, ноқобил ва низоли оилалар, ажрашишлар сонининг ортиши жамиятга турли иқтисодий, ижтимоий зиён етказиши билан бирга, бундай носоғлом психологик муҳитли, низо-жанжалли, ўзаро меҳр-оқибатсиз муҳитда дунёга келиб, шаклланган болада ҳам кейинчалик нафақат ўз ота-онаси, ака-укаларига нисбатан меҳр-оқибатсиз, балки атрофдагиларга, қолаверса ўзи яшаган жамиятга нисбатан ҳам шафқатсиз, золим, худбин, ҳар хил жамият манфаатлари, юрт манфаатларига зид бўлган ҳар хил салбий ташқи кучлар таъсирига осон берилувчан шахснинг шаклланишига, шу асосда эса ўз оиласи, ўз халқи, ўз юрти учун хавfli инсонларнинг етишиб чиқишига ҳам асос бўлиши мумкин.

Оила муҳитида ушбу омилларга эътибор қаратиш лозим эканлигини ҳаётни ўзи кўрсатапти:

- *биринчидан, оилада ота ўрнининг аҳамиятли эканлиги.* Турмушда эркакнинг етакчилиги менталитетимизда етакчи ўрин тутди. Эркак киши ўз хулқ-атвори билан оилада тўқис муҳит яратиши, фарзандларида ахлоқий сифатларни тарбиялаши лозим. Ота фарзанднинг кўз ўнгида намунали шахсга айланмас экан, бундай оила ҳеч қачон мукамал бўлмайди. Халқимизда азал-азалдан “Ота бўлиш осон, лекин оталик қилиш қийин” деган нақл бор. Фарзандларимиз отаси билан фахрланиши, ундан ўрнак олиши зарур;

- *иккинчидан, оилада миллий қадриятлар устувор бўлиши зарурлиги.* Буюк аجدодларимиз тарбияга, оила ва ундаги ахлоқий муҳитга эътибор қаратиб келишган бўлиб, бу борадаги насиҳатномалар, одоб-ахлоқ мавзусидаги асарлар талайгина. “Қобуснома”, “Ҳикматнома”, “Қутадғу билиг”, “Ҳайрат ул-аброр” ва бошқалар шулар жумласидандир. Ҳадиси

Шарифда ҳам иймонли бўлиш, ҳаромдан ҳазар қилиш, бир-бирига меҳрибон ва оқибатли бўлишга даъват этувчи ҳикматлар зикр этилган. Халқимиз миллий руҳдаги урф-одатлари, анъаналар ва удумларининг оила муҳитига таъсири натижасида фарзандларимизда ижобий хислатлар шакллана боради.

- *учинчидан, оналарнинг фарзандлар тарбиясига кўпроқ вақт ажратилиши лозимлиги.* Оиладаги тарбиянинг самарадорлиги асосан бу жараёнда онанинг иштироки билан ўлчанади. Фарзанд ўз хусусиятлари, салоҳиятининг 60% ни онадан олади. Чунки онанинг фазилатлари, маънавий етуклиги ва заковат белгилари болага ўтиши исботланган ҳақиқатдир.

Оила муҳитини соғломлаштиришга қаратилган мазкур омиллар мужассамлашган оила, бизнинг назаримизда, доим **фаровон** ва **барқарор** бўлади. Бундай соғлом муҳитда вояга етган фарзандлар эса жамият ривожига ўзининг салмоқли улушини қўша олади.

Фарзандлар тарбияси ота-онани энг катта ва масъулиятли вазифаларидан бири саналади. Бу вазифага эътиборсизлик келажакда жамият тараққиётига хавfli таъсири келтириб чиқаради. Тарбия қисқа муддатда ва бирданига сингдириладиган жараён эмас, уни йиллар давомида ўз вақти ва ёшида бериб бориш талаб этилади. Бугунги фарзанд тарбиясида “ўзини қай даражада кўра олаётган” ота-оналарни ўрганиш учун “Фарзандларингиз тарбиясига етарли эътибор бераёпсизми?” савол бўйича натижаларга эътиборингизни қаратамиз. Саволимизга 86,0 фоиз ота-оналар “ҳа” деган таъкидни билдиришди. Бу ота-оналарни фарзандлари тарбиясига бўлган масъуллигини ҳис эта олишини, ўзларини фарзандлари камолотидаги иштирокидан кўнгли тўлаётганлигини билдиради. “Йўқ” жавобини белгилаш 7,0 фоизда ва “жавоби йўқ” танланиши 7,0 фоизда кўринади. Демак, ота-оналар орасида фарзандлари тарбиясини ўз тасаввурлари ва имкониятлари доирасида олиб бора олмаётганлигини тан олаётган, ўзларини балки бу масалада тажрибасиз, нўноқ ҳис этаётганликларини ва бу ҳолат уларда норозилик туйғуларини келтириб чиқараётганлигини кўрсатади. Ота-оналар аниқ ва кўнгли тўладиган жавобни бера олишмагани, фарзандлари ҳаётида ўзлари ибрат бўла олмаётганидан, уларни тарбиясидаги иштирокидан кўнгиллари тўлмаётганидан ҳам дарак беради. Бу борада ота-оналарни ота-оналикка муносиб ўргатиш, тарбия борасидаги илмларини кенгайтириш ва зарур тавсияларни бериш масаласига жиддий эътибор қаратишимиз кераклиги кўринди. Бунинг учун ота-оналарнинг билимларини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва илмий дунёқарашни шакллантиришдир. Бу эса ота-оналардан фарзанд олдидаги, эл-юрт олдидаги маънавий бурчини тўғри англашни, оилавий муносабатлар доирасида миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг энг нодирлигини турмушга сингдириш орқали болаларда инсоний муносабатларни шакллантиришни, уларни мустақил фикрлайдиган кишилар қилиб тарбиялашни тақоза этади.

Зеро Ҳадисда, “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкрок мерос бера олмайди”, - деб қайд этилиши ҳам бежиз эмас. Шунини унутмаслигимиз лозимки, фарзандимизнинг дунёқараши шаклланишида,

унда ижобий ва салбий хислатларнинг пайдо бўлишида, энг аввало, оила “хамиртуруш” вазифасини бажаради.

Бу борада ушбу тавсияларни беришни лозим топдик:

1. Ота-оналарга ота-оналик масъулияти ва бахти насиб этгач, фарзандлари тарбиясига, унинг келгусида қандай инсон бўлишига бевосита жавобгар эканлигини доимо тушунтириш;

2. Ота-оналар ўз фарзандлари олдида яхши инсоний муносабатларни, жумладан намунали муомалани намойиш этишларини тарғиб қилиш;

3. Маҳаллаларда “Ота-оналар университетлари” орқали ота-оналарнинг бола тарбиясида психологик саводхонлик масалаларига эътибор бериш, психологик маслаҳатхоналар ташкил этиш.

4. Ёшларни бўлғуси оилавий муносабатларга маънавий, ҳуқуқий, педагогик, психологик, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан тайёрлаб бориш.

Демак, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат бола шахси шаклланишидаги етакчи омиллардандир. Жамиятимизда олиб борилаётган барча ўзгариш ва маънавий ислохотлар жамиятда комил-баркамол шахсни тарбиялашга қаратилгандир, бу эса ўз навбатида яхши фуқаро, жамиятнинг баркамол аъзосини тарбиялаш ҳамдир.

Жамиятимизда олиб борилаётган барча ўзгариш ва маънавий ислохотлар жамиятда комил-баркамол шахсни тарбиялашга қаратилгандир, бу эса ўз навбатида яхши фуқаро, жамиятнинг баркамол аъзосини тарбиялаш ҳамдир. “Ота-она давлат бошлиғими, ёки оддий фуқароми, бари-бир, у бола тарбияси борасида масъулдир. Давлат бошлиқлари, раҳбарлар бола тарбияси хусусида барчага ибрат бўлмоқлари лозим”, - донишманд Абу Али Ибн Синонинг бола тарбиясига оид ушбу талаблари ўша даврда қанчалик тараққийпарвар ва зарур бўлса, бизнинг бугунги кунимизда ҳам у ўз кучини йўқотгани йўқ.

Адабиётлар рўйхати

1. Akramova F.A. Oilada ma'naviy muhitni shakllantirishda xotin-qizlarning roli. - T.: «Nixol Print», 2016. -42-b.
2. Akramova F.A. Oilada sog'lom psixologik muhitni tarkib toptirishning ijtimoiy-psixologik asoslari. - T.: «Shams ASA», 2014 - 185-b.
3. Akramova F.A. Oilada muomalani tashkil etish psixologiyasi. – T.: «Shams ASA», 2006. -90-b. 7. Yo‘ldoshev M. Oiladagi ruhiy muhit va uning tarbiyaga ta'siri. – T., 2004 - 99-b.
4. Yo‘ldoshev M. Oiladagi ruhiy muhit va uning tarbiyaga ta'siri. – T., 2004. -99-b.
5. Karshibaeva G. A., Ibaydullaeva U.R. Oila psixologiyasi. O'quv qo'llanma. “Baëz” nashriëti. Toshkent – 2022 y.